



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТАНҚИДИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электротехника ва фармацевтика соҳаларида инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мазкур тармоқларда ишни замонавий асосда ташкил этиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар турини кенгайтириш чоралари қўрилгани натижасида сўнгги уч йилда экспорт ҳажми 1,7 баравар ошди. Жорий йилда бу кўрсаткич 350 миллион долларга етиши кутилмоқда.

Лекин ҳали камчиликлар қўпчилиги, электротехника ва фармацевтика иқтисодиётда "ривожланиш нуқталари" бўлиши кераклиги таъкидланди.

— Ўтган 10 ойда иккита соҳа бўйича 2 миллиард доллардан кўп импорт бўлган. Мана шу рақамнинг ўзи нима қилишимиз кераклигини кўрсатиб турибди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда электротехника саноати тармоғида 55 та лойиҳа режалаштирилган эди. Шундан 26 таси йўлга қўйилган, 29 тасининг ижроси кечикмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундай қолоқликнинг сабабларини сўраб, уларни ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

Электротехника тармоғининг драйвер йўналишларини аниқлаб олиш кераклиги қайд этилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш мураккаб бўлмаган ва хориждан олиб келишдаги транспорт харажатлари юқори маҳсулотлар импорти 500 миллион доллардан ортади.

"Ўзэлтхасаноат" уюшмасига йил якунига қадар шундай маҳсулотлар рўйхатини шакллантириб, Тошкент шаҳри ва Хоразмдаги саноат зоналарида ишлаб чиқариш бўйича кўрсатма берилди.

Мазкур тармоқдаги экспортни шу йил якуни билан 310 миллион долларга, келгуси йил 370 миллион долларга етказиш

вазифаси қўйилди. Бунда дунёга машҳур онлайн савдо тармоқларидан ҳам фойдаланиш, халқаро тендерларда қатнашиш яхши самара бериши айтилди. 2021 йилда халқаро стандартларни жорий этиш учун лаборатория ва сертификатлаш марказини ташкил этиш топшириғи берилди.

Йиғилишда фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама этилди.

Жорий йилга режалаштирилган 100 миллион долларлик 37 та инвестиция лойиҳасидан бугунги кунгача фақат биттаси фойдаланишга топширилгани кескин танқид қилинди.

Келгуси йилда 149 миллион долларлик 37 та лойиҳа бўйича амалий ишларни ҳозирдан бошлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳадаги яна бир камчилик — охириги йилларда ташкил этилган 16 та йирик корхонанинг 8 таси тўлиқ қувватда ишламапти. Мутасаддиларга уларни бирма-бир таҳлил қилиб, тўлиқ қувватга чиқишига қўмақлаштириш топширилди.

Маҳаллий корхоналарда 3 мингдан ортқ номдаги дори-дармон ишлаб чиқарилса-да, улар асосан мураккаб бўлмаган жер-нерик воситалардан иборат.

— Пандемия ҳаммамизнинг кўзимизни очди, фармацевтика нафақат иқтисодий, балки хавфсизлик жиҳатидан ҳам стратегик тармоқ эканини кўрсатди. Биринчи бўлиб фармзоналар ташкил этганимиз бежиз эмас. Биз жуда кўп нарсага дунёқарашимизни ўзгартиришимиз керак, — деди Президент.

Шу боис, хавфсизлик ва самардорлик даражаси юқори бўлган дори воситаларини ишлаб чиқаришга ўтиш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, келгуси йилда Наманганда парентерал, Самарқандда гормонал ва Тошкент вилоятида қон препаратларини ишлаб чиқаришга имконият мавжуд.

Доривор ўсимликларни плантация усулида етиштириш ва саноатда қайта ишлашни йўлга қўйиш натижасида экспорт ҳажми жорий йилнинг ўтган 10 ойида 40 миллион долларни ташкил этди. Худудларда доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича қиймати 42 миллион доллар бўлган 14 та кластер ташкил этилди.

Жорий йилда доривор ўсимликлар плантациялари 16 минг гектарга, хомашё тайёрлаш ҳажми 22 минг тоннага етказилмоқда. Лекин бу етарли эмас.

Шу боис, келгуси йилда маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмининг камида 2 бараварга ошириш мақсад қилиб қўйилди.

Қандли диабет касаллигида шакар ўрнини босувчи стевия ўсимлигини етиштириш, баҳмалгул, наъматак, топинамбур, ола-ўт, заъфарон каби экспортбод дориворларни саноатлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

207 та корхонадан 157 тасида халқаро стандартлар жорий қилинмагани қайд этилиб, бу борадаги ишларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Келгуси йилда фармацевтика маҳсулотлари экспортини 55 миллион долларга олиб чиқиш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ ва худудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЖАДАЛ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2021–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самардорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни илғор жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш; шаҳарсозлик фаолиятининг сифати ва хавфсизлигини ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, қурилиш тармоғи ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация тех-

нологияларини жорий этиш; шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2021—2025 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини 2021—2025 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагиларни назарда тутuvi Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2021—2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага мувофиқ белгилансин:

2025 йил охирига бориб "Бизнес юритиш" халқаро индексида (Doing Business Index) "қурилишга рухсатномалар олиш" (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш;

Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини камида 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш;

2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш;

2025 йилга бориб "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

Давоми 2-бетда

Интервью

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Электротехника ва фармацевтика саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқлари саналади. Ҳозирги кунда бу тармоқларни модернизациялаш, соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини ошириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада мазкур тармоқларда сўнгги уч йилда экспорт ҳажми 1,7 баравар ошди. Жорий йилда бу кўрсаткич 350 миллион долларга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, бу соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар, камчиликлар ҳам талайгина. Хусусан, режалаштирилган чора-тадбирларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда амалга ошириш, электротехника ва фармацевтика тармоғини иқтисодиётнинг "ривожланиш нуқталари"га айлантириш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Президентимиз раисли-

гида бўлиб ўтган электротехника ва фармацевтика соҳаларида инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда мазкур тармоқларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, соҳаларни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлар белгилан берилди.

Давоми 2-бетда

Обод манзиллар

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Сардоба фожиясидан зарар кўрган аҳолига янги уйларнинг калити топширилмоқда



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Жорий йил 1 май куни Сирдарё вилоятининг Сардоба сув омборида юз берган техноген ҳодиса оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 4 минг 710 та хонадон зарар кўрди. Қисқа муддатда тошқиндан зарар кўрган 1 минг 850 та уй қайта таъмирланиб, замонавий кўринишда ўз эгаларига топширилди. Уйи яроқсиз ҳолга келган фуқаролар учун жами 52,5 гектар ер майдони танланиб, кўп қаватли 2 минг 640 хонадонли — жами 86 та замонавий турар жой қуриб битказилди. Бугун мазкур уйлар калитини қўлга олган одамлар кўзида қувонч, эртанги кунга ишонч ва гурурни қўриб, чекилган заҳматлар бесамар кетмаганига амин бўласиз.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди.

✓ **Табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича қарийб 9 миллиард долларлик 52 та лойиҳа белгиланган. Шундан 15 таси ноорганик кимё, 23 таси органик кимё, 12 таси полимерлар бўйича. Яна бир лойиҳага кўра, янги турдаги полимер маҳсулотлар бўйича илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказиб, лойиҳаларни бевосита ишлаб чиқаришга жорий этадиган ҳамда етук мутахассислар тайёрлайдиган инновацион марка ташкил қилинади.**



✓ **Тақдим этилган барча лойиҳалар самарасида 4,1 миллиард доллар қийматидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1,1 миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва 1,45 миллиард долларлик экспорт таъминланиши мумкин. Жами 6 минг 500 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.**

✓ **Кўпikli полипропилен, ёғоч-полимерли композит лист, водород пероксиди, карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар, карбамид формальдегид концентрати, сульфат кислота, карбонат ангидрид газидан сода ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳалар келаси йили ишга туширилади. Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол заводининг иккинчи босқичи ҳамда компрессорни ювувчи саноат мойи корхонаси бўйича ишлар бошланади.**



✓ **Хомашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобатдорлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.**



✓ **Газ-кимё соҳасини 2021 йилда ривожлантиришининг янги йўналишларини белгилаш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.**



✓ **Тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида энергетика соҳасини рақамлаштириш ишларини тезлаштириш вазифаси қўйилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ
ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЖАДАЛ ВА
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
2021–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг **“ҳажм” услубини жорий этиш улушини 2025 йилга бориб** республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг **50 фоизигача** етказиш;
2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги **Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхати**га (ТОП–1000) кириши.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида:

а) **аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади.** Бунда аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамаси қуйидаги тартибда амалга оширилади:

I босқич — фуқароларни жамоат муҳокамасини ўтказиш муддатлари, жойи ва тартиби билан таништириш;

II босқич — аҳоли пункти бош режасининг лойиҳаси бўйича жамоат муҳокамаларини (яшовчилар, ердан фойдаланувчилар ва кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг муҳокамалари, ижтимоий суровлари, фикрларини тўплаш ва бошқа усуллар) ўтказиш;

III босқич — жамоат муҳокамасининг қайд этилган натижалари асосида жамоат фикрини таҳлил қилиш;

IV босқич — жамоат муҳокамаси натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш;

б) аҳоли пунктлари бош режаларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан **жамоат экспертизасини амалга ошириш имконияти** жорий этилади;

в) аҳоли пунктнинг тақлиф этилган бош режасидан норози бўлган жамоат назорати субъектларининг ташаббусига кўра **аҳоли пунктнинг муқимий бош режасини ишлаб чиқиш** ёки унга ўзгартириш (тузатиш) киритиш механизми жорий этилади;

г) аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамасини ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

5. Белгилансинки, **2021 йил 1 мартдан** бошлаб:

а) икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан, яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда объектнинг Қурилиш вазирлиги қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилади;

б) қурибгачлар — жисмоний ва юридик шахсларга, асосий фаолият тури сифатида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи ташкилотлар бундан мустасно, мустақил равишда (ҳужалик усулида), қурилиш ташкилоти билан қурилиш пудрати шартномасини

тузмасдан икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

аҳоли пунктлари ҳудудларининг функционал зоналарида жойлашган, бундай турдаги қурилиш учун мўлжалланмаган ер участкаларида кўп қаватли кўп квартираларни қуриш;
лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан мавжуд бино ва иншоотларнинг, шу жумладан, яқна тартибдаги уй-жойларнинг қаватлари сонини кўпайтириш (устки қават қуриш);

ўзгартирилган лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан қурилаётган бино ва иншоотларнинг қаватлари сонини (лойиҳа ҳужжатларини ўзгартириш йўли билан) кўпайтириш тақиқланади;

в) лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт хулосаси эксперт ташкилоти томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Эксперт хулосаларининг ягона реестри”га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади, давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган лойиҳа ҳужжатлари бўйича эксперт хулосалари бундан мустасно.

6. Қурилиш вазирлигига техник тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш, шунингдек, шахарсозлик фаолияти соҳасидаги хорижий норматив ҳужжатларни мослаштириш бўйича ишлар (товарлар, хизматлар)нинг давлат харидларини, кейинчалик улар тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай давлат харидлари махсус ахборот порталида жойлаштиригн ҳолда, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширишга рұхсат берилсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда яқна тартибдаги уй-жой қурилиш соҳасидаги сейсмик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2020 йил 1 декабрда **Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинча низом** лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини;

2021 йил 1 июнча бирламчи рухсат бериш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни экспертизадан ўтказишдан тортиб объектларни фойдаланишга топширишга бўлган барча қурилиш жараёнларини назарда тутувчи **Ягона маъмурий қурилиш регламенти** ишлаб чиқилишини;

2021 йил 1 июнча илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида **лойиҳа-кидирув ва қурилиш фаолиятига суғурталаш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш** бўйича тақлифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2021 йил 1 августда **Қурилиш вазирлигининг коррупцияга қарши**

курашиш комплаенс тизимининг жорий этилишини, 2022 йил 1 январгача эса ISO 37001 халқаро стандартига (Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими) мувофиқлик сертификати олинтишини;

2021 йил 1 сентябрда фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектиларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи **“Огоҳ фуқаро”** электрон тизимининг яратилишини;

2022 йил 1 мартда Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг (ISSA) концепциясини жорий этишга асосланган **“Қурилиш майдончаларида жароҳатланишга барҳам бериш”** дастурининг ишлаб чиқилишини;

2022 йил 1 июлгача шахар муҳити элементларининг мақсади, аънавий архитектура ва маданияти, шунингдек, жойининг табиий-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий “дизайн-код”нинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини;

2022 йилдан бошлаб, ҳар йили 1 декабрда жорий йил вазифаларининг ижро этилишини чўқур таҳлил қилган ҳолда келгуси йилда ушбу Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Қамбаров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 июнча муддатда Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сон Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсадаги мувофиқлигини ўрганиб чиқсин ва ўрганиш натижаларига кўра, Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифлар киритсин.

9. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов) ҳар йили Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришда Стратегияни амалга оширишга доир “Йўл харитаси”да кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишда йўналишлар бўйича зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

10. Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри туманлари қурилиш бўлимлари Қурилиш вазирлиги бўйсунувига берилсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) икки ой муддатда Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри туманлари қурилиш бўлимларининг вазифалари, функциялари ва ташкил тўғрисидаги қайта қўриб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрациясига тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегия ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш;

вазирлик ва идоралар, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Стратегияни амалга ошириш доирасида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорақда Сенат ва Қонунчилик палатаси мажлисларида эътибор бориш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида **Бош вазир ўринбосарлари (А.Ж.Раматов, Ж.А.Қўчқоров, С.У.Муразаков):**

мутасадди вазирлик ва идораларнинг ушбу Фармонда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришилишини таъминлаш бўйича биринчи навбатдаги вазифаларини белгиласин ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин;

зарур маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминласин;

ҳар ойда масъул шахсларнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб борсин;

зиммасига юкланган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан эғаллаб турган лавозимидан озод қилишга бўлган таъсир чораларини кўллаш тўғрисида тақлифлар киритиб борсин;

Қурилиш вазирли Б.И.Закиров: икки ҳафта муддатда қурилиш тармоғини ривожлантиришнинг белгилаб қўйилган устувор йўналишлари бўйича идораларро ишчи гуруҳларини тузсин; ушбу Фармонда назарда тутилган кўрсаткичларга эришиш жараёнида вужудга келадиган жорий муаммоларни ҳолида тезкор ҳал этиш чораларини кўрсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиш, ижро учун масъул органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва қурилиш вазирли Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорақ якуни бўйича** амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

Интервью

ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИ —
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ
ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Бошланиши 1-бетда

**Мирзиёд ЮНУСОВ,
“Ўзлтехсаноат” уюшмаси раиси:**



яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ийгилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, соҳани янада ривожлантириш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

**Сардор ҚОРИЕВ,
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори:**



Айни пайтда фармацевтика соҳасини ривожлантириш мақсадида икки йил давомида 280 миллион долларга яқин лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Бу эса, ўз навбатида, 60 дан зиёд янги лойиҳани ишга туширишга замин яратди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 25 фоиз ички бозорни таъминлаётган бўлса, эндиликда шунини 35-40 фоизга етказиш имконияти пайдо бўлади.

Ийгилишда Президентимиз томонидан фармацевтика соҳасини ривожлантириш учун аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бир ҳафта ичида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тез орада барча инвестиция лойиҳаларини бажаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

**Қаҳрамон САРИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси:**



— Қорақалпоғистонда бугунги кунда ҳудудий корхоналар томонидан деярли 34 миллион долларлик фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари экспорт қилинди. Президентимизнинг 2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида 2020-2022 йилларда жами 12 триллион 292 миллиард сўмлик 1359 та лойиҳани амалга ошириш белгилаб берилган. Буларнинг асосий қисми sanoat йўналишида, жумладан, фармацевтика ва электротехника йўналишидаги лойиҳалардир.

2021 йилда электротехника соҳасида бешта, фармацевтика соҳасида 18 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу икки та тармоқ билан ҳамкорликда 10 кунда бу соҳалардаги лойиҳалар яна бир бор қайта қўриб чиқилиб, янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқамиз.

Фармацевтика соҳасида ҳам ҳозирда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури янада кўпайтирилади. Бу борада ҳудудимиз учун алоҳида тармоқ ҳисобланган қизилмия илдизини қайта ишлашни такомиллаштириб, фармацевтика sanoatига хомашё етказиб бериш ниятидамиз.

**Шароф РАҲМОНОВ,
Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари:**



— Ийгилишда асосий эътибор инвестиция лойиҳаларини фаол амалга оширишга қаратилиб, бу борадаги оқсашлар танқидий таҳлил қилинди. Бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Электротехника мисолида оладиган бўлсак, бугунги кунда Тошкент шаҳрида мазкур соҳада 27 та корхона ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, улардан 12 таси шу йили, қолгани 2021 йилда фаолиятини бошлашни кўзда тутилган. Умумий қиймати 5 триллион сўмдан зиёд ушбу лойиҳалар Япония, Корея, Хитой, Германиядаги шеркларимиз билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналардир.

Шунингдек, “Технопарк” ҳудудида 16 та йирик заводни ишга тушириш белгиланган. Қиймати 500 миллион долларга тенг янги ишлаб чиқариш лойиҳаларининг 6 таси бугунги кунда иш фаолиятини бошлади. Йил якунига қадар яна иккитаси, қолганлари эса келаси йилда ишга тушиши кўзда тутилган. Уларнинг бари тўлиқ фаолиятини йўлга қўйиб олганидан сўнг, ишлаб чиқариш ҳажми 850 миллион доллардан ортади. Ўз навбатида, экспорт ҳажми ҳам 500 миллион долларга етади. Режага кўра, мазкур корхоналарда 15 мингта янги иш ўрни яратилади.

материаллар, конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг даволатномалари, ишчи-хизматчиларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоальбом ва макетлар, ҳажимли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари (таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосалари илова қилинади);

муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга қўшган ижобий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва тасдиқланган даволатнома;

ҳар бир муаллиф учун 4х6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ходимларни ҳисобга олиш арақаси ҳамда маълумотнома-объективча ва тавсифнома (электрон вариантти билан);

Танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар учун нусхада тақдим этилади. Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхаларининг ҳар бир йўналиши алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий мақолалар, монографиялар бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишнинг тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Танловда иштирок этиш ҳужжатлар Фанлар академияси томонидан қуйидаги манзил бўйича **2021 йилнинг 25 январига** қабул қилинади: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 317-хона. Танловда иштирок этиш билан боғлиқ масалалар бўйича қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги телефон рақамига мурожаатлар қабул қилинади — Тел.: 71 – 233-59-46.

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологиялар бўйича республика кенгаши**

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти
номзодларни саралаш учун танлов
ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишчи бажаришда бевосита ишқидий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишчи бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотида ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Давлат мукофотида кўрсатилган илмий тадқиқотлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

**Танловга қуйидаги ишлар
қўйилмайди:**

улар бўйича фан ва техника соҳасида олдин Давлат мукофоти берилган ишлар; аввал қўриб чиқилган, бироқ Давлат мукофотига тавсия этилмаган ишлар.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар ташкилотлар томонидан бериладиган Давлат мукофоти номзодлар бўйича тавсияномага асосан қабул қилинади.

ишчи тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;

талабгор ҳақидаги маълумотнома (ёки ҳар

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 ноябрь

Обод манзиллар

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Сардоба фожиасидан зарар кўрган аҳолига янги уйларнинг калити топширилмоқда



Бошланиши 1-бетда

Сир эмаски, сув тошқини юз берган кунларда сирдарёликларни чуқур қайғу босди. Нафақат улар, халқимиз қайғурди. Энди нима бўлади, деган савол барча ўзбекистонликларни ташвишга солгани ҳам рост.

Ҳар ишда бир ҳикмат бор, деган нақл бор доно халқимизда. Бир неча йиллардан буён эътибордан четда бўлиб келган туманлар бугун шаҳар тусига кирди. Бу ерда нафақат замонавий уйлар, балки қатор таълим масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Тошқиндан олдин инфратузилмаси анча эскирган, газ, электр таъминоти хароб қолга келган, ичимлик сув муаммо бўлган жойлоқлар, уларга туташ худудлар обод гўшага айланди. Бир сўз билан айтганда, сув омбори тошқинидан зарар кўрган худудлар буткул янги қиёфа касб этди.

Зарар кўрган худудларнинг қисқа муддатда таъмирлаб, аҳолига қўлай шaroит яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юзлаб техника, пудратчи корхоналар, минглаб ишчилар жалб қилинди. Сирдарёликлар ҳам улар билан елкадош бўлди. Мақсад аниқ эди — талафот оқибатларини бартараф этиш, жабрдийда аҳолига аввалгидан ҳам яхши шaroит яратиш.

Кўнгилли қурувчилар 2000 га яқин уйни тубдан таъмирлади. Мирзаобод туманида намунавий лойиҳа асосида қурилган “Навбахор” маҳалласида 100 та, “Янги Ўзбекистон” маҳалласида 6 та, Сардоба тумани “Юртдош” маҳалласида 48 та ва яна 6 та хизмат уйи деярли қайта қурилди.



Музаффар Абдул্লাев олган суратлар

— Ўша куннинг ўзидаёқ Президентимиз ҳодиса жойига етиб келди, тошқиндан жабрланган, кўнгли чўкиб қолган аҳоли дардига шерик бўлди, — дейди Мирзаобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласи раиси Бахтиёр Холқуев. — “Сабр қилиб, оғирлиқни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, деган эди Президентимиз ўшанда. Яратганга шукр, шундай бўлди. Президентимиз вазиятни шахсан ўзи назоратга олгани бутун халқимизни оёққа турғазди, барча ёрдамга ошиқди. Давлатимиз раҳбари талафот кўрган худудларга бир неча бор ташриф буюрган бўлса-да, биз у кишининг ҳар доим ёнимизда, биз билан бирга эканини ҳис қилиб турдик. Орадан кўп ўтмади. Маҳалламиз буткул янги қиёфа касб этди. Уни “Янги Ўзбекистон” дея номладик. Худуддаги ташландиқ жойда беш қаватли, жами 800 хонадондан иборат 40 та уй қад ростлади. Улардаги хонадонларга сув тошқини оқибатида уйлари зарар кўрган Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги 11 та маҳалладан айти пайтгача 520 оила кўчиб келди. Жараён давом этмоқда. Мазкур уйлар ҳақиқий ўзбекона қурилган билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, ушбу кўп қаватли уйларнинг ҳар қавати ҳамда ертўласида аҳолининг зарур ускуналарини сақлаши учун махсус хоналар ташкил этилган.

— Бу йил оиламиз учун қўшалоқ байрам бўлди. Қизим олий ўқув юртига ўқишга кирди, — дейди “Янги Ўзбекистон” маҳалласида истикомат қилувчи Сафар Бекбутаев. — Тўрт фарзандим бор. Бугун уларнинг юзидаги қувончни қўриб, яйрайман. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги натижасида ўтган давр мобайнида 40 миллион

сўм моддий ёрдам берилди. Қисқа вақт ичида 3 хонали замонавий уйли бўлди. Янги маиший техника воситалари совға қилишди. Ўзим иқтисодчиман. Турмуш ўртоғим далада меҳнат қиларди. Оғир меҳнат, яна рўзгор, бола-чака ташвиши. На газ бор, на сув. Бу ерга келганимиздан кейин уй-жой коммунал сервис хизматига ишга кирди. Белгиланган вақтда ишга бориб келиб, болалар тарбияси билан шуғулланаяпти. Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон”да ҳаётимизни янгидан бошладик.

Маҳаллада барча зарур шароитлар яратилган. Маҳалла гузарига новвойхона, саратрошхона, кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Янги боғча болажонларни қабул қилишга шай. Шунингдек, бу ерда 6 та болалар майдончаси ва йўл қондаси ўқув майдончаси каби маданий ҳордиқ объектлари ҳам аҳоли хизматида.

Муҳим масалалардан яна бири — аҳоли бандлигини таъминлаш. Хотин-қизларни ишли қилиш мақсадида тикувчилик цехи очилди. Яқин кунларда бу ерда Сирдарёнинг дунёга машҳур қовун маҳсулотларини экспорт қилиш учун қовунни қайта ишлаш цехи қурилиб фойдаланишга топширилади.

Сардоба тумани “Дўстлик” маҳалласи худудида туманининг “Қўрғонтепа”, “Юртдош” ва “Дўстлик” маҳаллаларида яшаган, уйлари рақсиз ҳолга келган хонадон эгалари учун 1 минг 480 хонадонли 37 та кўп қаватли уй-жой қурилди. Бугун мазкур худудлардан аҳоли кўп қаватли уйлارга кўчиб кирмоқда. Бундан ташқари, янги уй-жойлар массивида 1 та мактабгача таълим ва 660 ўринли 1 та умумтаълим мактаби биноси қурилиши якунига етказилмоқда.

— Сардобаликлар янги ҳаётни бошлади.

Бугун туман қиёфаси ҳам тубдан ўзгарган. Қурилиш, ободонлик ишлари авжида, — дейди “Дўстлик” маҳалласи раиси Алишер Кинбоев. — Шу каби фаровонлик руҳига ҳамоҳанг аҳолининг ҳам қайфияти кўтаринки. Дарҳақиқат, талафот кўрган худудларнинг тошқиндан олдинги кўринишини, инфратузилмасини билган, кўрган киши ҳозир қилинаётган бунёдкорлик ишларини, олиб борилаётган ислохотларни кўриб, халқимизнинг ҳамжихатлигига, бағрикенглигига тан беради. Бу манзараю ўзгаришларни ҳис этган ҳар бир инсонда эртанги кунга бўлган ишонч ортиб бораверади.

“Дўстлик” маҳалласидаги “Сардоба Оксарой текстиль” фабрикаси ролпа-роса 120 кун де-ганда қуриб битказилди. Бу ерда 550 кишининг иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Ҳозир 220 нафар хотин-қиз қисқа муддатли ўқув курсини битириб, меҳнат фаолиятини бошлади.

— Корхонамизда тайёр мато ва кийимлар ишлаб чиқарамиз, маҳсулотларимиз, асосан, экспортга мўлжалланган, — дейди “Сардоба Оксарой текстиль” корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Асқар Ҳайдаров. — Айти пайтда корхонамизда катталар учун киши ки-йим-кечаклар ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерда, асосан, янги уйларга кўчиб ўтган хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг юз-қўзида келажакка ишонч учқун порлаб турганини кўриб, бизнинг ҳам ғайратини жўшади. Шу азиз опа-сингилларимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлида кўлимиздан келган барча ишларни амалга оши-рамыз. Президентимиз корхонамизга ташрифи чоғида бизга маррани кенгроқ олиш бўйича аниқ кўрсатмалар берган эди. Келгусида махсу-лотларимиз тури ва ҳажмини ошириш, экспорт географиясини кенгайтиришни мақсад қилган-миз. Демак, иш ўринларимиз сони ҳам кўпайиб боради. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

— Тўрт фарзандим бор. Биз ҳам тошқиндан зарар кўрдик. Бошланасиз қолдик, — дейди тик-увчи Умида Қаршибоева. — Мана, бугун янги кўп қаватли уйдан 3 хонали хонадон берилди. Шу пайтгача иссиқ сув, газ нималигини бил-масдан, кунимиз далада ер чопиш билан ўтган эди. Ҳатто ичимлик сувни ҳам ташиб ичар эдик. Давлатимизга раҳмат, бугун барчаси бадастир. Уйимиз иссиқ. Болаларимиз олдимиздаги таъ-лим масканига боради. Ўзим тикувчилик цехида ишлаяпман. Тушлиқда иссиқ овқат берилади. За-монавий дастгоҳларда ишлаш учун корхона ўқув марказида мутахассислардан иш ўргандик. Ой-ликларимиз ишимизга қараб ошириб бори-лмоқда. Одамнинг уйда тинчи бўлса, ишда ҳам унум бўлар экан. Иш унча оғир эмас. Болаларимиз ҳам вақт ажратяпман.

Мирзаобод туманининг “Нурли келажак” ма-ҳалласида ҳам 360 хонадондан иборат тўққизта кўп қаватли уйга бугун 240 та оила кўчиб кирди.

— Талафотдан “Навбахор” маҳалласи ҳам зарар кўрган эди. Ўтган даврда бу ерда жуда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оши-рилди. Водий виллоятлари кўмаги билан бунёд

этилган янги маҳалламизни “Нурли келажак” дея атадик, — дейди маҳалла фуқаролар йи-ғини раиси Ўктам Кенжаев. — Бу ерда уч ярим минг нафардан ортиқ аҳоли, 668 хонадон мав-жуд эди. Айти пайтгача 11 та икки қаватли ва 396 та ҳовли уй тўлиқ таъмирланиб, эгаларига топширилди. Шунингдек, иккита умумтаълим мактаби, битта мактабгача таълим муассасаси тўлиқ таъмирланди. Маҳалланинг янги биноси қад ростлади. Янги масжид биноси қурилиши эса давом этмоқда.

Қувонарлиси, бу ерда янги, замонавий бино-лар қад ростлаши билан бирга, янги иш ўрин-лари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратил-ди. Жумладан, “Нурли келажак” маҳалласи худудида “Бек кластер” МЧЖ томонидан 20 гек-тар майдонда иссиқхоналар қурилди. Ҳар бири 25 сотихдан иборат иссиқхоналарда лимон ва қулпнай етиштирилмоқда. Уларда янги уйлар-га кўчиб ўтганлардан 200 нафардан ортигининг бандлиги таъминланди.

— Бу ерда цитрус, субтропик ва тропик ўсим-ликлар илмий-амалий маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилган, — дейди “Бек кластер” МЧЖ масъул ходими Тўлқин Норкулов. — Мазкур марказнинг асосий вазифаси иссиқхоналарда ишлаш хоҳишини билдирган фуқароларни соҳа-га тайёрлашдан иборат. Айти пайтгача мутахас-сислар 100 дан ортиқ ишчига соҳа сир-асхона-рини ўргатди. Яна бир муҳим жиҳат, “Алоқабанк” кредити ҳисобига амалга оширилган ушбу лойи-ҳа кредит қарзлари ўзигача, шу ерда ишлаётган фуқароларнинг ўзларига қолади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, янги қу-рилган кўп қаватли уй-жойларнинг ўз эгаларига топширилиши, ҳеч ким эътибордан четда қол-маслиги, одамларни рози қилиш, адолат, шаф-фофлиқни таъминлаш жуда муҳим масала. Шунинг учун ҳам мазкур уй-жойларни адолат тамойиллари асосида тарқатиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия ва-зирлиги ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳ назоратида бўлиб турибди.

— Уй-жойлар тақсимотида адолат, шаффоф-лик жуда муҳим. Шунинг учун ҳам уйлар қуръа ташлаш йўли билан тақсимланаяпти. Бундан таш-қари, кўп қаватли уйларни тақсимлашда барча жиҳатлар эътиборга олинган. Масалан, ноғирон-лиги бор шахслар ва қариялар биринчи қаватга жойлаштирилмоқда, — деди Олий Мажлис Қо-нунчилик палатаси депутати Шерзод Қўлматов. — Бугунги кунга қадар ишчи гуруҳ томонидан 2 минг 932 оиланинг уй-жой олиш масаласида қилган муурожаати қабул қилинган бўлиб, улар қарийб бир ой давомида ўрганиб чиқилди. Ма-ҳалла фаоллари, кўчи-қўшилларнинг фикр-муло-ҳазалари инобатга олинган ҳолда қуръа ташлаш йўли билан Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманларида жами бир минг 842 хонадон топ-ширилди. Бугунги кунгача 1 минг 753 оила янги уйга кўчиб кирди. Бундан ташқари, айти пайтда 53 та муаммоли ҳужжатиимиз бор. Яъни бу ҳуж-жатларда камчиликлар бор. Шунинг учун ҳам ҳар бири жиддий ўрганилиб, кейин халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига қиритилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тошқиндан зарар кўрган аҳолига барча шароитлар яратиш борасидаги ишлар бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Мутасаддиларнинг ишоништиришча, ҳеч ким эъ-тибордан четда қолмайди. Бунинг учун маблағ ҳам, имкониятлар ҳам етарли.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Табиий бойликлар

УГЛЕВОДОРОД ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ



Ҳасан Йўлдошев олган суратлар

Мамлакатимиз узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш имконини берадиган бой углеводород захираларига эга. Маълумотларга қўра, Марказий Осиёдаги барча минерал захираларнинг учдан бир қисми Ўзбекистон худудида жойлашган. Бугун эса Ўзбекистон нефть-газ саноати нафақат ерости бойликларини қазиб олиш, балки қайта ишлаш ва махсулот ишлаб чиқарувчи мажмуалар тизимига айланган.

Президентимиз жорий йил 25 ноябрь куни нефть-газ қимм саноатидаги истиқ-болли лойиҳалар билан танишар экан, уларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар ва ин-весторлар билан ишларни жадаллашти-риш кераклигини таъкидлади. Йиғилишда ҳомашэ базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариладиган махсулотлар таннархини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобат-дошлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда нефть-газ қимм саноати анча ривожланиб, ички ва таш-

қи бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича қатор йирик корхоналарни ўзида мужассамлаштирди. Тармоқ-нинг асосий иқтисодий йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилиб, кўплаб чет эл компаниялари билан шартномалар, келишувлар имзолаб келинмоқда. Яқинда Россиянинг “ВЭБ.РФ” давлат ривожланиш корпорацияси билан имзоланган меморандум углеводородлар ишлаб чиқаришни кўпай-тириш дастурини молиялаштиришга қаратилган бўлиб, унда 650 млн. дол-

МЕМОРАНДУМ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАЙДИ?

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан та-биий газ қазиб олиш ва суёқ углеводо-родлар ишлаб чиқариш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилиб, кўплаб чет эл компаниялари билан шартномалар, келишувлар имзолаб келинмоқда. Яқинда Россиянинг “ВЭБ.РФ” давлат ривожланиш корпорацияси билан имзоланган меморандум углеводородлар ишлаб чиқаришни кўпай-тириш дастурини молиялаштиришга қаратилган бўлиб, унда 650 млн. дол-

лар миқдорида кредит ажратиш мўл-жалланган.

— Ўзаро манфаатли ҳамкорликка қў-йилган биринчи қадам Россиянинг юқори технология маҳсулотларини етказиб беришни молиялаштириш, “Ўзбекнефт-газ” АЖнинг ишлаб чиқариш қувватла-рини модернизациялашга қаратилган хизматларни кўрсатиш учун кредит лиясининг очилиши эди, — дейди “Ўзбекнефтгаз” АЖ матбуот хизмати раҳбари Сиёвўш Ҳошимов. — Айтиш керакки, меморандум Ўзбекистонда углеводород ҳомашэсини қазиб чиқа-ришни кўпайтиришга хизмат қилади. Лойиҳанинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва аҳолисини етарли миқдорда энергия ресурслари билан таъминлашдан иборат.

“ВЭБ.РФ” Россия Федерациясининг давлат ривожланиш корпорацияси бўлиб, унинг асосий вазифаси Рос-сиянинг узоқ муддатли иқтисодий та-раққиётига хисса қўшишди. “ВЭБ.РФ” тижорат банклари билан ҳамкорликда инфратузилма, саноат ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, технологик салоҳиятни мустаҳкамлаш ҳамда аҳо-лининг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган йирик лойиҳаларни молия-лаштиради.

ЙИЛ ОХИРИГАЧА 129 ТА ҚУДУҚ ИШГА ТУШАДИ

“Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги углеводородлар конлари кўп йиллар-дан бери ишлатиб келинаётганини ино-батга олиб, ҳар йили ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда маромида ишлашини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди.

— 2020 йилда янги очилган Шўр-қум, Шўртак, Уртақум, Жанубий Куд-бешкак конларидаги қудуқлар жиҳоз-ланиб, ишлаб чиқаришга қўшилди, — дейди Сиёвўш Ҳошимов. — Жор-ий йил геологик-техник тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, йил якунига қадар янги 129 та қудуқни ишга ту-шириш, 587 та мавжуд қудуқда му-каммал ва жорий таъмирлаш ҳамда интенсификация ишларини олиб бориш, 42 та технологик объектда қурилиш, модернизация ва реконст-рукцияни амалга ошириш, газ конла-рида сиқув компрессор станциялари-

ни қуриб ишга тушириш натижасида қазиб олиш кўрсаткичларини таъ-минлаш режалаштирилган. 2021 йилда ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган геологик-техник тадбирлар узлуқсиз давом эттирилиб, жумладан, 164 та янги қудуқни ишга тушириш, мавжуд 600 та қудуқда капитал таъмирлаш ва интенсификация ишларини амал-га ошириш ҳамда 23 та технологик объектни модернизация ва реконст-рукция қилиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда консервациядаги иш-латилмасдан турган, инфратузилмадан узоқ бўлган, фойдаланиш учун кўп ка-питал қўйилмаган талаб қиладиган 25 та конга Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 июлдаги “Тақсимланмайдиган таваккалчиликларга эга бўлган кон-трактлар асосида углеводородларни қаз-иб олиш механизмини жорий этиш тўғ-рисида”ги қарори асосида риск-сервис шартлари бўйича инвесторларни жалб қилиш ишлари олиб боришмоқда.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ДАСТУРНИНГ АҲАМИЯТИ

“Ўзбекнефтгаз” АЖ матбуот хиз-матиининг маълумотларига кўра, 2017-2021 йилларда углеводород ҳомашэсини қазиб олишни кўпайти-риш дастури 2 босқичдан иборат бў-либ, унга Россиянинг “Газпромбанк”идан 400 миллион АҚШ доллари ва Хитойнинг “Ипак йўли” жағғармаси-дан 585 миллион АҚШ доллари миқ-доридида кредитлар жалб қилинган.

Дастурнинг биринчи босқичида 296 та янги қудуқни бурғилаб, ишга тушириш, 328 та мавжуд қудуқни таъмирлаш ҳамда 7 та йирик техно-логик объектни қуриб ишга тушириш белгиланган бўлса, иккинчи босқичда 185 та янги газ қудуғини очиш, 172 та қудуқни мукаммал таъмирлаш ҳамда Зеварда, Алан ва Денгизкўл конла-рида паст босимли сиқув компрессор станцияларини қуриб ишга тушириш кўзда тутилган.

Ушбу дастурнинг биринчи босқичи бажарилиши ҳисобига бугунги кунда 13,7 миллиард куб метр табиий газ ва 570,6 минг тонна суёқ углеводо-род қазиб чиқаришга эришилган. На-тижада газ қазиб олиш конларида



табиий тушиш кескин камайишининг олди олинади, газ конларини ва қу-дукларининг бир маромда ишлаши таъминланади.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Соҳани ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан яна бири йирик банклар-дан имтиёзли кредитлар жалб қилиш-дир. Бу тармоққа замонавий техноло-гияларни олиб кириш билан бирга, янги иш ўринларини яратишга ҳам замин бўлади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан угле-водородларни қидириш, қазиб олиш ва кўпайтириш, шунингдек, қайта ишлаш соҳасида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича қатор чоралар қўрилмоқда. Геологик қидирув ва бурғилаш ишлари учун “Газпром-банк” билан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар берилиши борасида кели-шув имзолангани шулар жумласидан-дир.

Келишув давомида республи-камизда амалга оширилаётган 2017–2021 йилларда углеводо-род ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастурини молиялаштириш доира-сида Россия банкидан кредитлар-ни жалб қилишнинг асосий шарт-лари муҳокама қилинди.

— Шу билан бирга, “Газпромбанк” билан 100 миллион доллар миқдоридида олдиндан молиялаштириш ва Россия молия институтлари синдиқати билан биргаликда ишлаб чиқилган 180 мил-лион доллар миқдоридаги узоқ му-датли кредитни ажратиш масаласи қўриб чиқилди, — дейди Сиёвўш Ҳо-шимов. — Қўшма лойиҳалар кўлами ва уларнинг республика учун аҳамиятини инобатга олган ҳолда, ҳар икки мамла-кат учун ҳам энг мақбул кредит бериш шартларига эришиш зарур. “Газпром-банк” “Ўзбекнефтгаз”нинг кўп йиллик ва ишончли ҳамкори бўлиб, “Шўртан газ-қимм комплексининг тозаланган метани неғизда синтетик суёқ ёқилғи ишлаб чиқариш”, “Шўртан газ-қимм мажмуаси ишлаб чиқариш имкониятларини кен-гайтириш”, Сечанкўл, Оқжар ва Чимбой инвестиция блокларида табиий газ қу-вурларини ўтказиш, шунингдек, Ўрга, Оқчаклак ва Чандир гуруҳи конларидаги ишлар каби инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этади.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби лой-иҳалар газ конларида табиий тушиш кескин камайишининг олдини олиш, газ конлари ва қудуқларининг бир маром-да ишлашини таъминлайди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Табиат ва инсон

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Баҳром ЭСОНОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош мутахассиси

Бугунги кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг долзарб, ҳаммани ташвишлантираётган муаммолардан биридир. Ўтган асрнинг охирига келиб, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар мувозанатининг бўзилиши натижасида атроф-муҳит, экологик вазият кескин ўзгаришларга юз тутди.

1866 йилда “экология” атамасини фанда илк бор қўллаган немис олими Эрнест Геккель унга “экология — бу табиат иқтисодиётини билиш, бир вақтнинг ўзida тирик организмларнинг муҳитнинг органик ва ноорганик компонентлари билан бўлган барча муносабатларини тадқиқ қилишдир”, деб таъриф берган эди.

Даставвал, биология фанининг бир қисми сифатида вуҷудга келган экология саноат, шаҳарлар, табиий ресурслардан фойдаланиш қўламининг кенгайиши натижасида кўпроқ иқтимоийлашди ва инсон экологиясига айланиб бормоқда. Олдинги даврларда табиий шароит ва ресурслардан иқтисодиётда қандай фойдаланиш масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлса, ҳозирги даврда ишлаб чиқариш тармоқларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш, таҳлил қилиш ва шу асосда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Ҳозир Ер юзида глобал, минтақавий ва маҳаллий экологик муаммолар вуҷудга келган. Жумладан, глобал иқлим ўзгариши, чулланши, Орол денгизи муаммоси ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Мавжуд экологик муаммолар ечимини топиш, бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш учун илмий тадқиқотлар қилиш ҳамда экологик тенденцияларни кузатиб бориш ва шу асосда ҳулосалар чиқариш талаб этилади. Экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга молик вазифа бўлиб, ҳозирги вақтда мамлакатимиз табиий бойликларини сақлаб қолиш ва уларни келажак авлодга етказиш муҳим масалалардан бирига айланган. Табиат қонуниятларини бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатга олиб келиши муқаррардир. Мисол

тариқасида Собиқ Иттифок давридаги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, энг аввало, тайёр маҳсулот эмас, балки қишлоқ хўжалиги хомашсини қўлайтиришни қўзлаган тadbирлар охир-оқибатда Орол денгизи ва Оролбўйи экологик инқирозига олиб келди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқда бевосита глобал иқлим ўзгариши ва Орол муаммосига тўхталиб, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдираётганини, Ўзбекистон мавжуд ахволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга ошираётганини эътироф этди. Бу борадаги бир қатор ўта муҳим ва долзарб бўлган таклифларни илгари сурди.

“Мамлакатимиз ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст фонди тузилди. Умид қиламизки, ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади. Биз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этамиз. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кўни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўларди”, деди давлатимиз раҳбари.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Оролбўйидаги экологик муаммолар нақадар жиддий эканини кўришимиз мумкин ва бу муаммоларни халқаро ҳамжамият



билан биргаликда ҳал этиш чоралари ишлаб чиқиляпти.


2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясига мувофиқ, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар майдонини жами ҳудудига нисбатан 60 фоизгача етказиш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида “яшил белбоғ” ташкил этиш мақсадида тузга чидамли, тез ўсар саксовул, черкез ва қандим ўсимликлари екилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳудудни ривожлантириш аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва даромадларини оширишнинг уч йилга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ҳужжатга кўра, Қорақалпоғистонда бу борадаги ишлар янгича ташкил этилади ва назорат тизими ўрнатилади.

Табиат компонентлари ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ҳамда боғлиқли-

ги турли кўринишларда содир бўлади. Буни ўсимлик билан ҳайвонот дунёси, заминнинг устки қатлами, ёғин миқдори-

бири. Дунё мамлақати иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиши муҳим. Бу борада 2015 йил 12 декабрда



1866 йилда “экология” атамасини фанда илк бор қўллаган немис олими Эрнест Геккель унга “экология — бу табиат иқтисодиётини билиш, бир вақтнинг ўзida тирик организмларнинг муҳитнинг органик ва ноорганик компонентлари билан бўлган барча муносабатларини тадқиқ қилишдир”, деб таъриф берган эди.

нинг кўпайиб ёки камайиб бориши билан ўсимликлар тури ҳам миқдор жиҳатдан ўзгариб боришида кузатишимиз мумкин. Бу ўзгаришлар кўп жиҳатдан инсон фаолиятининг фаоллашуви билан боғлиқ.

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши энг долзарб экологик муаммолардан

Парижда БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий конвенциясига бағишланган конференциянинг 21-сессиясида Париж битими қабул қилинди ва 2016 йил 4 ноябрда қучга кирди.

Ҳозирги вақтда Париж битимини имзолаган 195 мамлакатнинг 180 таси мазкур

ҳужжат иштирокчиси ҳисобланади. Битимни ратификация қилмаган мамлакатлар кузатувчи мақомига эга бўлиб, улар учун халқаро ташкилотлар томонидан иқлим билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришда чекланишлар қўлланилади. Битимнинг мақсади — сайёрамизда глобал иқлим ўзгаришининг, яъни ишнинг олдини олиш. Ўзбекистон 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Париж битимини имзолаган ва 2018 йил 2 октябрда ратификация қилган.

Иқтисодиёт ривожланиши кўп ҳолларда табиий ресурсларга боғлиқ. Турли ресурсларнинг мавжудлиги халқ хўжалиги тармоқларини муттасил ривожлантириб боришга имкон беради. Бу борада экологик табиий ресурсларнинг ҳам ўз ўрни бор. Дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизидан ортигини экологик соҳа ресурслари етказиб беради ва аҳоли сони ортиб бориши билан бу рақам янада катталашади.

Хусусан, Ер шарида кислороднинг асосий манбаи ҳисобланган ўрмонлар майдони йил сайин (125 минг квадрат километрга) қисқармоқда. ХХI асрнинг бошига келиб, сайёрамиз яшил бойлиги — ўрмонларнинг 50 фоиздан ортиги кесиб бўлинди. Бу, албатта, экологик муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади.

Табиат ва жамият бир бутундир. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсати даржасида қаралади. Соҳага оид кўплаб қонун, қарорлар ва концепция ишлаб чиқилган ҳамда давлат дастури қабул қилинган. Уларнинг амалга оширилиши экологик вазиятни ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашга хизмат қиялпти. Хусусан, Қорақалпоғистонда янги сув тармоқлари қурилиши натижасида аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 40 фоиздан 67 фоизга етди.

Иқтимоий, иқтисодий ва экологик ривожланиш барқарор тараққиётни таъминлаб берадиган учта асосий йўналишдир. Барқарор тараққиётга эришиш иқтисодиётда қатор вазифаларни ҳал этишни талаб этади. Экология соҳасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши барқарор ривожланиш кафолатидир.

Медиа-тур

ЗАРАРЛАНГАН ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистон ҳудудига киритилмайди

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тошкент халқаро аэропортининг хориждан учиб келганларни текшириш йўлаги. Багажларни сканерлаш жараёнида йўловчилардан бирининг юкида ўсимликлар карантинига доир объектлар аниқланиб, текширув учун махсус хонага олиб кирилди. Жараёнда Беларуснинг Минск шаҳридан учиб келган йўловчининг юки ичидаги 22 килограмм оғирликдаги майдаланмаган мурч учун фитосанитар сертификати йўқлиги маълум бўлди. Инспекторлар томонидан тегишли далолатнома тузилиб, юк олиб қўйилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг аэропортининг кириш ва чиқиш қисмларида ташкил этилган “Тошкент-аэропорт” ўсимликлар карантини чегара масканлари ҳамда “Аэро-карга” текширув постида фаолият юритаётган инспекторлари ҳар кўни ўнлаб ана шундай ҳолатга дуч келади. Чегара постларига бириктирилган 31 нафар инспектор томонидан республикамиз ҳудудига хорижий давлатлардан ўсимликлар билан бирга, хавфли зараркундалар, бегона ўтлар, уларда учрайдиган турли касалликлар кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам назорат ўрнатилган. Журналистлар

мазкур ўсимликлар карантини бўйича чегара постларида ташкил этилган медиа-тур давомида текширув жараёнига бевосита гувоҳ бўлди. Бу ерда ҳар бир жараён белгиланган тартиб асосида амалга оширилади. Аэропортининг кириш ёки чиқиш залларига кирган фуқаронинг юки, албатта, инспекторлар назоратида махсус рентген аппаратлари текширувдан ўтади. Сумкаларда уруғлик, ўсимлик, ўсимлик хомашеси ва айрим турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари аниқланган тақдирда аэропорт ичида ташкил этилган минилабораторияга олиб борилиб, махсус текширувдан ўтказилади.



Ўсимликнинг фитосанитар ҳужжатлари бўлмаган, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан олиб ўтиш (транзит) тақиқланган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун инспекторлар томонидан “Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низо” талаблари асосида далолатнома тузилади. Унга кўра, мазкур маҳсулотлар олиб қўйилиши, багаж эгалари иштирокида зарарсизлантирилиши, йўқ қилиниши ёки экспортёр давлатга қайтариб юборилиши лозим.

— Тегишли қонун талабларига кўра, фуқароларнинг юкида бўлган ҳар қандай ҳажмдаги ўсимлик ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортёр давлат томонидан берилган фитосанитар ва импорт карантин рұхсатномасига эга бўлиши лозим, — дейди Тошкент халқаро аэропорти ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори Баҳодир Ҳўжамуродов. — Инспекторларимиз Ўзбекистонга кириб келаётган ва юртимиздан чиқиб кетаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини карантин назоратидан ўтказиш. Карго юк омборига ҳам 4 та инспектор қўйилган бўлиб, улар импорт ва экспорт юкларга фитосанитар ҳамда карантин далолатномаси бланкаларини расмийлаштиради. Бу тadbирлар мамлакатимизга ўсимликлар билан кириб

келадиган турли зараркундаларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг тарқалиб кетиши, қишлоқ хўжалигимизга катта зарар етказишига йўл қўймасликда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда республикамизда 9 та, МДҲ давлатларида 225 тадан ортиқ карантин объекти мавжуд бўлиб, айниқса, уларда етиштирилган маҳсулотларни жиддий назорат қилиш талаб этилади. Борди-ю текширувдаги маҳсулот зарарланган бўлса, “Ўздавқарантин” инспекцияси ҳузуридаги марказий карантин лабораториясига намуна олинган ҳолда юборилади. Лаборатория хулосаси асосида зарур чора-тадбирлар қўлланилади.

“Аэро-карга”да ҳам мамлакатимиз ҳудудига импорт бўлиб кириб келаётган карантин остидаги маҳсулотлар инспектор томонидан бирламчи карантин кўригидан ўтказилиб, далолатномалар расмийлаштирилади. Текширувдан сўнг барча санитария талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатлари берилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу карантин постларида 4 та сменага бўлиниб, туну кун меҳнат қилаётган инспекторлар юртимиз қишлоқ хўжалигини четдан кириб келадиган ўсимлик зараркундалари, хавфли касаллик ва ҳашаротлардан ҳимоялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Мораторий



Табиатни асраш — барчамизнинг бурчимиз

Минажатдин ҚҲТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Афсуски, айрим кимсалар томонидан ўрмон ва тоғларимиздаги, шаҳар ҳамда қишлоқларимиз кўчалари, ҳиёбонлардаги турли мевали ва манзарали дарахтларни кесиб кетиш ҳолатлари учраб турибди.

Бундай қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида 2019 йил 30 октябрда мамлакатимиз раҳбарининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга биноан, утган йилнинг 1 ноябрдан жорий йилнинг 31 декабрга қадар давлат ўрмон фондига қирмайдиган қимматбаҳо дарахтлар ва буталар навларининг кесилишига мораторий жорий этилган.

Ўтган даврда бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан кўплаб амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига эълон қилинган мораторий устидан назорат ўрнатилди.

Маълумотларга қараганда, Қорақалпоғистонда 2019 йилнинг ноябрь ойидан шу кунгача 463 та қонунбузилиш содир этилган. Натижада 28 932 туп қимматли дарахт nobud бўлган. 27 894 туп дарахт ёнғин оқибатида зарар қўрган. Шунингдек, 391 та қимматли дарахт, 780,1 метр куб бута чолиб ташланган. Умумий ҳисобда табиатга 6 041 045 минг сўм зиён етказилган. Қўмита томонидан қонунбузарларга ўз вақтида чоралар қўрилиб, айбдорларга нисбатан жарима қўлланилди.

Мораторий даврида жисмоний ва юридик шахслар томонидан 2019 йил ноябрь-декабрь ойларида келиб тушган мурожаатларнинг 4 таси ижобий ҳал этилган. Қўмита хулоса асосида 15 туп дарахт кесилган. Шунингдек, 2020 йил январь ойидан 1 ноябргача 21 та мурожаатга ижобий ҳулосалар берилган ва шу асосда 660 туп

дарахт кесилган. Дарахт ва буталарни кесишга рұхсат сўралган 41 та мурожаат рад этилиб, 54 742 туп дарахт nobud бўлишининг олди олинган.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги “Давлат ўрмон фондига қирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рұхсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтларни ҳатловдан ўтказиш ва уларни tree.uznature.uz сайтига жойлаштириш белгиланган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси биохилмаҳиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бўлими бошлиғи Тилеуняз Торе-ниязов. — Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 1 000 914 туп дарахт ҳатловдан ўтказилиб, тегишли сайтга жойлаштирилди.

Биз буну Нукус шаҳрида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шаҳарнинг Ислон Каримов номи кўчасидаги 2249 туп, Бердақ номи театр атрофидаги 559 туп, “Тошкент” меҳмонхонаси атрофида 258 туп, Ота йўли кўчасидаги 115 туп, Татибаев кўчаси — “Ҳамкор-банк” биноси — Гоголь кўчаси оралғидаги 933 туп ҳамда Қорақалпоғистон кўчасидан Жўқорғи Кенгес биносигача бўлган йўлдаги 1308 туп дарахт ҳатловга олинган.

Президентимиз фармони асосида мораторий жорий этилиши ўлкамиз табиатини, давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини асраш йўлида хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.



Мурзафар АБДУЛЛАЕВ оғлан суратлар.



Миллий анъаналар

ДОРБОЗЛИК — ЎЗБЕКНИНГ ҚОНИДА БОР

Муножат МҸМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

1967 йил. Тошкент вилоятининг Бўка туманида илк марта ҳосил байрами нишонланяпти. Бўкаликлар янги байрамни зўр қизиқиш билан қарши олиб, турли-туман чиқишларга маҳлиё бўлиб турибди. Байрам майдонига дор ҳам тикилган, дорбозлар томоша кўрсатиш билан банд. Халқимиз ажойибда. Аслида кўпчиликнинг дорга тик қарашга юраги бетламайдию, аммо томоша тугагач, дорбозларга чин кўнгилдан атаганини беради, ўзи билан эргаштириб олган неварасига ишора қилиб, шу неварам сизга ўхшасин, ёки мана бу дорбоз набирангиздек бўлсин, бир дуо қилиб қўйинг, дейди.

дордан тушгунига қадар юрак ҳовуч-лаб туришини ҳам яширмади. Ўзига қолса-ку, шу ёшда ҳам дорга чиққудек. Ўғиллари, қизлари қўймайди-да. Лекин тўй-томошаларда, давлат тадбирларида назоратчилик, таъкилотчилик ишларини ўринлатиб келаётган ота-хон бизга камтарлик билан “ҳа, энди невараларни у ёққа тур, бу ёққа тур, хушёр бўл, дегани ҳам одам керак-ку”, деб қўя қолди.

Юнусали ота билан суҳбатлашар эканмиз, даставвал дорбозлик санъатини қандай эгаллагани билан қизиқди. Унинг айтишича, отаси курашчи полвон ўтган экан. Ўзи эса Тошкенбоевларга шогирд тушиб, пойтахтда 23 йил улар билан бир жамоада ишлаган. Циркнинг донги кетган ҳодимларига шогирд тушишининг ҳам ўз тарихи бор. 1964 йилда Тошкент цирки Андижонга келади. Циркчилар бир ярим ой давом этган томошалардан сунг танлов ташкил қилдилар. Ўша танловда цирк усталарининг эътиборига тушиб қолган ўспирин Юнусалини ўзлари билан Тошкентга олиб кетади. У саҳна циркида ҳам дорбозлик, ҳам оғир атлетика бўйича иш олиб боради. 23 йиллик фаолиятдан сунг нафақага чиқиб, ўзи туғилиб ўсган Андижон замини, шoir Мухаммад Юсуф туғилган Марҳамат элига хизмат қилишни мақсад қилган дорбоз Олимжон Тошкенбоев, Камолжон Тошкенбоев, Эркин Тошкенбоевларни алоҳида тилга олар экан, ҳали ҳам улар билан борди-келдилари узилмагани, бир-биридан хабар олиб туришларини айтди. Ҳозирда ана шу

устозларининг фарзандлари, неваралари, шогирдлари орқали янги-янги трюклар, соҳадаги ўзгаришлардан бохабар бўлиб, таъриба алмашиб келяпти.

Шундай саъй-ҳаракатлари, изланувчанлиги туфайли қаҳрамонимиз оилавий жамоаси билан тез орада вилоят ва, республикада танилди, Москвадаги кўргазмада, кейинроқ жаҳон фольклор фестивалида ҳам қатнашди. Ҳиндистонда ҳам икки ой давомида миллий дорбозлик санъатимизни намойиш қилиб келган. Изланиш, интилишдан толмаган дорбоз аста-секин ўзининг катта ҳовлисида шароит яратиб, 2 та дор тикди, 500 кишилик кўча цирк ташкил қилди. 5 йил давомида мусобақаларда фаол қатнашиб, дорбозлигу циркноа томошалари билан элга танилган оилавий дорбозлар гуруҳига “Халқ ансамбли” унвони берилди.

“Халқ ансамбли” унвонини олганимизда бизга “сизлар ўзбек миллий дор санъатини унутмаслигинлар, аксинча уни тарғибот қилишларинг учун бераямиз бу унвонни”, дейишган. Демак, бу ишончни оқлашимиз, доимо фаолиятимизни тўхтатмаслигимиз керак, деган хулосага келганмиз ўшанда”, дейди Юнусали ота.

Қишлоқнинг ўртасида истиқомат қиладиган дорбозлар хонадонига ҳар куни маҳалла, бутун қишлоқ болалари қизиқиб келавергач, буларга шароит қилмасам бўлмас экан дея, дордан тортиб, волейбол майдонларига

ларига кетмон билан ишлов бериб, этнографик музей яратиш учун ҳам ижодкор, кашфиётчи ва ўта ғайратли бўлиши керак одам. Бўлмаса, ҳеч қаерда эшитмаганимиз — дароҳт устида дам оладиган жой қилиш отанинг хаёлига келармиди? Сайёҳларни ҳайратга солаётган жиҳат ҳам шу. Олма, шотут, беҳи дароҳтларининг устидаги ўриндиқлар, типратикон шаклидаги, кампирлар учун мўлжалланган “амфитеатр”. 20 кишилик жой қиламан, деб шотут дароҳтини атайин 30 йил, беҳини 18 йил ўзгача меҳр билан ўстирган Юнусали ота хонадони туманининг туристик манзилгоҳлари рўйхатидан жой олган. “Андижон самоси” дорбозлар гуруҳи ҳақида газетадан ўқиб, ўз кўзлари билан кўриш учун атайин ташриф буюрган польшалик меҳмон ҳам Юнусали отанинг экобоғи, дароҳт устида шахмат ўйнайдиган жойлари, ариқдаги турли-туман балиқлари, ярим гор шаклидаги сунъий “кузатув масканлари”ни кўриб, ёзилганидан ҳам гўзал эканига ишонч ҳосил қилди. Унинг ўзига хос таассуротлари, имзоси Юнусали Ғозиевнинг 1985 йилдан буюн юритиб келаётган қундалик дафтаридаги ноёб хотиралар, фикр-мулоҳазалар китобидаги дастхатлар қаторидан урин олди. Шуни ҳам айтиш жоизки, маскур дафтарда Зикир Мухаммаджоновдан тортиб, чет эллик меҳмонларнинг дастхатлари ҳам сақланиб келяпти. Ҳар қандай фаолиятни исбот этишда хат, ҳужжат гапиришини жуда яхши тушунган дорбозимиз гу-




Ҳар қандай фаолиятни исбот этишда хат, ҳужжат гапиришини жуда яхши тушунган дорбозимиз гуруҳдаги 10 нафар аъзонинг тиббиёт дафтарчаси-ю, техника хавфсизлиги журналини кўз қорачигидек асрайди. Зеро, ҳар томоша, ҳар сафар дорга чиқиш олдидан ҳодимлар техника хавфсизлиги қоидалари билан танишганлиги, бу борадаги талабларга амал қилиши тўғрисида имзо қўйиб борадилар.

ган Юнусали Ғозиев билан хайралиш олдида ярим ҳазил, ярим чин маънода энди “Spark”ни “Malibu”га айлантириб, дедик. Президенти-мизнинг шу йил 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган қатор имтиёзлар оилавий гуруҳ фаолиятини янада жонлантиришда муҳим омил бўлишини айтганимизда, Юнусали ота: “Мен ҳам шунини эшитиб, хурсанд бўлиб ўтирибман, жуда муносиб фармон бўлди. Шу кунгача ростдан ҳам ижара, бошқа турдаги тўловларни тўлаб келарди. Энди бундай тўловлар, даромад солиғи ҳам олинмаслиги бизни ғоят хурсанд қилди, тўғриси. Яратганга шукр, танжонимиз соғ, доим шундай тинчлик бўлса баҳоли қудрат, халқ хизмати-дамиз” деди.

Дарҳақиқат, миллийлигимиз, ўзлигимизни авлоддан-авлодга етказиб, халқимизнинг ўзига ҳослигини бутун дунёга маълуму машҳур қилгувчиларга ҳар қанча имтиёзлар берсак, ҳар қанча қўллаб-қувватласак ҳам. Дорбозлик ўзбекнинг қонда борлигини намоён этаятган “Андижон самоси” каби аҳил жамоаларга эса янада юксак парвоз этишлари учун қанот бўлсак арзийди.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ



Муножат РАҲИМЖОН қизи,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугунги кунда қайси соҳага қарамайлик, унинг жадаллик билан ривож топаётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, таълим соҳасига бўлаётган эътибор бугун тубдан ўзгариб. Мамлакатимиз раҳбарининг тизимга алоҳида эътибор қаратиб, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, деган эътирофи халқ таълими тизими вакиллари руҳлантириш борабарида уларга юксак масъулият юклаши табиий. Ана шундай масъулиятни ҳис этган ҳолда, Андижон вилояти халқ таълими тизимида ҳам бир қатор янги ғоялар ва таълим методлари амалда қўлланмоқда. Вилоятда янги ўқув йилининг “Сифатли таълим, юқори натижа ва ўқувчи тақдирига бефарқ бўлмаслик йили” деб номланган ҳам бежиз эмас.



фати ва битирувчилар билан ишлаш тизими янги босқичга олиб чиқилди. Жумладан, 2020-2021 ўқув йилида ОТМларга кирган битирувчилар сони 5 минг 943 нафар (15%) ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йилда 2 минг 483 нафар (8%) эди. Бир йил муддатда кўрсаткичларнинг 7 фоиз юқорилагани ҳам Андижон таърибаси самарасидир. Айниқса, Марҳамат туманидаги 3-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг битирувчилари 100 фоиз олий таълим муассасасига кириш баҳтига муассар бўлгани қувонарли ҳол.

— Ҳар бир ўқувчи тақдирига ўз фарзандимиз келажакини ҳал қилаётгандек ёндашиб, ота-оналар билан масоҳатлашган ҳолда йўналиш танладик, — дейди мактаб директори Маҳфуза Уринова. — Янги ўқув йили бошидан оқ битирувчиларимизнинг билим савияларини бир неча маротаба синовдан ўтказиб, натижаларни таҳлил этдик ва уларни ўз потенциалларига қараб, ота-оналарининг розилиғи асосида олий таълим муассасаларига йўналтирдик.

Шукрчи, юзимиз ёруғ бўлиб, қўллаган усулимиз ўз натижасини берди. Битирувчиларимиз 100 фоиз талаба бўлди. Бу борада, албатта, пандемия даври ноқулайликлари ҳисобга олиниб, 5 та таълим муассасасини танлаш имкони, ўта мураккаб тест саволларининг чиқариб ташлангани ҳам катта ёрдам берди.

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ўтказилган йиғилишда Қорақўл таърибасини оммалаштириш бўйича алоҳида тўхталиб, ҳар бир ҳудудда шундай мактаблар ташкил этиш вазифасини топширган эди. Маскур топшириқ ижроси юзасидан республикада биринчилардан бўлиб Андижон вилоятининг энг намунали 35 та мактаби директорларидан иборат делегация Қорақўл лицейига ташриф буюрди. 4 кун давом этган маскур ташриф чоғида делегация аъзолари ўзига хос таъриба алмашдилар. Айни пайтда вилоятнинг ҳар бир туманида Қорақўл таърибасини йўлга қўйиш ишлари борасидаги илк ҳаракатлар бошлаб юборилди. Шунингдек, халқ таълими вазири Шерзод Шерматов яқинда Қашқадарё вилоятида бўлган чоғида бирорта битирувчиси олий таълим муассасасига кирмаган 20 та мактаб директорини лавозимидан озод этгани, бу борада юқори кўрсаткичга эришган мактабни компьютер синфи, фидойи директор ва ўқитувчиларни “Халқ таълими фидойиси” кўрак нишонлари билан тақдирлагани андижонлик педагогларнинг ҳам ўқувчи ёшлар тақдирини билан боғлиқ улкан масъулиятларини янада оширгани аниқ. Шунини ҳам айтиш жоизки, 2019 йилда бирорта ҳам битирувчилари ОТМга қабул қилинмаган мактаблар сони 141 та экани аниқланган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич 17 тани ташкил этапти.

Битирувчиларнинг ОТМга кириш кўрсаткичлари таҳлил қилинганида эса ихтисослаштирилган мактаблар ўртасида Марҳамат туманидаги 3-ДИМИ (100



фоиз), Бўстон туманидаги 26-ДИМИ (94%), 48-ДИУМ (91%), умумтаълим мактаблари ўртасида Андижон шаҳридаги 13 (108 нафар), 1 (107 нафар), 24 (77 нафар), 2 (75 нафар), Жалақудуқ туманидаги 3-мактаблар (51 нафар) юқори натижа кўрсата олдилар.

Айни пайтда олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари бўйича етарли балл тўплай олмаган битирувчилар томонидан табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш учун аризалар бериш давом этмоқда ҳамда бу борада ҳам ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

2020 йил 21-22 май кунлари давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи чоғида ўз келажакдаги касб-хунар ва тадбиркорлик соҳасидагина кўрмоқчи бўлган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилиши ва бандлигини таъминлаш юзасидан берган кўрсатмаси ижроси бўйича вилоятнинг 4 минг 30 нафар битирувчисида 42,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредит-

лар ажратилди. 15 минг 27 нафар битирувчи ўзини ўзи банд қилиш тартиби бўйича туман (шаҳар) солиқ органлари томонидан рўйхатга олиниб, уларга гувоҳномапар берилди ва 13 минг 901 нафарни ишга жойлаштирилди. Қолаверса, бугунги кунда Андижон вилоятида 50 дан ортиқ мактабнинг бўш ер майдонлари меҳнат дарсларини амалий шароитда ўтказиш ва ёшларни тадбиркорлик ва фермерлик соҳаларига қизиқтириш мақсадида балиқ ҳовузлиари, қуён ва товуқ боқишга мослаштирилган таъриба майдонлари ташкил этилиб, синовдан ўтказилмоқда. Болаларни мактабга йўналтириш ва етук салоҳиятли кадрлар селекциясини ташкил этиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят мактабга таълим бошқармаси ва вилоятдаги барча олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро меморандум имзоланиб, “**боғчадан институтгача**” тамойили асосида амалий ишлар ташкил этилмоқда.

Адабиётнинг қудрати шундаки, у сиздан минг йил нарида турган бўлсаям, ярим тунда қандайдир ишора билан ўрингиздан туриб кетишга мажбур қила олади. Ҳақиқий ижодкорларни юлдузларга қиёслаш мумкин – кундуз кунлари улар кўпам кўзга ташланавермайди.

Дилдан суҳбат

АДАБИЁТ ВА КИНО

Миллат маданиятини юксалтиради



— Шойим ака, Ўзбекистон Республикаси Президенти яқинда киноижодкорлар билан бўлган учрашувда кино санъати инсон савияси юксалишида муҳим роль ўйнашини, шунинг учун сонга эмас, сифатга эътибор қаратиб, гоёси ва тарбиявий аҳамияти юқори бўлган бадий фильм ва сериаллар яратиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, жамиятда халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини синдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш бугунги куннинг талаби эканини қайд этди. Миллий фильм ва сериал деганда, нималар назарда тутилади ўзи? Нима учун ўзбек сериаллари хориж сериаллари каби томошабоп ва машҳур бўлиб кетмаяпти?


— Шу ўринда айтишим керакки, халқимизнинг азалий қадриятлари, маънавий-маърифий ҳаёти, ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат марказида туришини, бу улуг мақсад йўлида санъатнинг бошқа турлари каби кино соҳаси ҳам камарбаста бўлмоғи лозимлигини ҳис этдим. Бу, шубҳасиз, энг тўғри йўл. Жуда чуқур мушоадаларга бой тарзда ўтган учрашувда Президентимизнинг миллий кино, аввало, ўзимизнинг томошабинларимиз учун яратилиши, унда таълим-тарбия масалалари бош мақсад бўлиши кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Миллий фильм ва сериаллар яратишда мана шундай улуг мақсадлардан келиб чиқиб изланиш лозим, деб ўйлайман. Ўзбек сериалларининг хориж сериаллари сингари томошабоп ва машҳур бўлиб кетмаётганига объектив-субъектив сабаблар кўп. Буни англашда киночилар томошабинлардан тортиб, адабиётчиларга, тарихчиларга, социолог ва бошқа ижтимоий соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларига суянса, ютқазмайди. Аммо, минг афсуски, ўзи яратган фильм ҳақида газетада чоп этилган мақолани ҳам ўқимай, беҳабар юрадиган "даҳо"лар йўқ эмас. Кино соҳасининг санъатлигидан ташқари, саноат ҳам эканини эътироф этган ҳолда, бугун кўндаланг турган саволлар ечимига доир "Ўзбекино" Миллий агентлигида қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шулардан бири телеканаллар билан ҳамкорлик ўрнатиб, сериаллар яратиш лойиҳаларидир. Бадий кенгаш йиғилишларида бундай масалалар доимий муҳокама этиб борилади. Уларнинг ижобий натижаси ўзини кўп куттирмайди, деб ўйлайман.

— "Бог" сериалини томоша қилганимизда қаҳрамонларнинг диалоглари ва фёъл-атвориини кўриб, уларнинг қанчалар самимий таъсирланганидан завқланамиз. Шойим ака, сиз ҳар сафар янги бир сценарий ёзишга киришганингизда ўз олдингизга қандай талабларни қўясиз?

— Кино адабиётга қараганда жуда ёш соҳа. Режиссёр адабиётга қанчалик яқинлиги, адабиётга қанчалик муҳаббат қўйгани у ишлаган фильмларда томошабин кўз ўнгига гавдаланади.

"Қунботардаги бог" деган асарим ўзгача асарнинг саксонинчи йилларида юз минглаб нусхада тарқалган оқсоқол адабий журнал — "Шарқ юлдузи"да чоп этилганда катта адаб ва кинорежиссёр Учқун Назаров "Ўзбекфильм"да ишлар экан, мени излаб топиб, қўлимга уч-тўртта сценарий тутқазиб, киносценарий қандай ёзилиши кераклигини кўрсатган бўлди. Асар излаб юрган экан, "Қунботардаги бог"ни сценарийга айлантириб беришимни сўради. Кейин Учқун ака бошқа ишга ўтиб кетди-ю, бу сценарий яна ўн беш йил қолиб кетди. Кейин бошқалар уни сериалга айлантирди. Эҳтимол, асарнинг руҳи унинг томошабоп бўлишига туртки бергандир.



Буюртмачиси бўлмаса, киносценарий ёзиш беҳуда иш. Шу маънода талабларни ёлғиз мен эмас, бошқалар ҳам қўяди ва бунинг учун улар мутлақо ҳақлидир.

— Сухбатимизни ўзбек адабиётининг муҳим тарихий воқеани эслаш билан давом эттирсак. Бу тарихий воқеа Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Фикрингизга қўшилиман.

— Қарор эълон қилинганидан сўнг ўтган фурсат орасида қандай ўзгаришларни айта olasиз?

— Қарор 2018 йил 5 апрелда эълон қилинган эди. Бу ёғини ўзингиз хисоб-лаб олинг. Адиблар хиббони барпо этилиб, эзгу масканга айланишга улғурди. Ёзувчилар уюшмаси учун янги бино қурилиб, ҳудудларда улғу адибларимиз номи билан аталган ижод мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари барпо этилди. Улар адабиёт масканларидир. Қардош халқлар адабиётига муносабат ўзгариб, уларнинг улғу ижодкорлари билан ёш китобхонлар қайтадан таниша бошлади. Бир сўз билан айтганда, умумий келажақ, ягона тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқлари ўртасида

адабиёт ўзининг азалий маънавий кўп-жақ вазиқасини ўтай бошлади. Яна нима-лар? Кўп ишлар. Ёзувчилар ижодий меҳнатини муносиб қадрлаш, уларга керакли шарт-шароитлар яратиб бериш йўлида Дўрмон ижод уйи ва поликлиника тўдан таъмирлаб берилди. Ёзувчи-шоирлар шинам уй-жойларга эга бўлди — энди мамлакатимиздаги ишхотлар ҳақида ҳаққоний асарлар ёзиш, "Янги Ўзбекистон" солномасини яратиш учун илҳом парисини хуш қайфият-ла қарош-ламоқнинг ўзи саодат. Ўйлаيمанки, амалий натижалар ҳам ўзини кўп куттирмай, мевасини бера бошлайди. Ахир айтилган-ку, "Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ", деб. Бу қарор чиққанида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева билан матбуотда суҳбатимиз чоп этилганди. "Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш борасидаги гоят оқилона қарори аллақачонлар қақраб қолган ерга ҳаёт бахш этиш учун ёққан ёмғирдек бўлди", деганди ўшанда Ҳалима опа. Бу адабий ҳаётимизда узоқ вақт кутилган воқеадир. Адабиёт ва ижодкорларимизнинг мақомини юксалтириб, халқига чин дилдан хизмат қилиши учун уларга шариоит яратиб бериш мазкур ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини англатади.

— Адиблар хиббони тарғиботида қим соҳасининг ҳам ўрни катта. Шундай эмасми?

— Албатта, бу йўналишда юртимиз маданий муҳитига алоқадор барча муассасаларнинг ўзига, вазибалари белгилаб берилган. Хусусан, кино соҳасини оладиган бўлсак, Адиблар хиббонида ҳайкаллари ўрнатилган шоир-ёзувчилар ҳақида олиёй ўқув юртлири билан ҳамкорликда "Ўзбекино" Миллий агентлиги буюртмасига қўра, ҳужжатли ва бадий фильмлар туркумлари яратилмоқда. Адабиётга тааллуқли бундай қўламли лойиҳа "Ўзбекино" Миллий агентлиги тарихида ҳеч қачон кузатилмаган. Айни шу кунларда Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳақидаги "Муҳаббат баҳори", "Муқимий" бадий фильмлари, Алишер Навоий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Ғафур Ғўлом, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов сингари турли даврларда яшган ижодкорларимиз ҳақида ҳужжатли фильмлар устида ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Бундай юмушларга таниқли кинорежиссёрлар қатори ёшлар ҳам жалб этилгани таҳсинга сазовор.

— 2020 йил она тилимиз ва адабиётимиз билан боғлиқ янгиликларга жуда бой бўлди. Адиблар хиббонида кечаётган кизгин ижодий суҳбатларни тинглаганингизда, ёшларимиз ўзбек тилининг қадрини юксалтириш борасида мулоҳазалар билдирганидан инсон беҳитиёр тўлқинлана кетади. Ҳар бир уйғониш давридаги маънавий жараёнда ижодкорларнинг жуда катта ўрни бор...

— Саволингизнинг охирироғидан жавоб беришни бошласам, "ҳар бир уйғониш давридаги маънавий жараён"да Шарқнинг бугун дунё эътироф этган икки Ренессансининг илдизлари бизнинг заминимиз билан боғлиқлиги, маънавий уйғонишларда илм-фан, маданият, санъат гурираб ривожланганини эсламоқнинг ўзи кифоя. Бу ҳодисалар уйғо-

нишлар жараёнида содир бўлган бўлса бадий тафаккур меваси ҳисобланган адабиёт уларга асос яратиб бера олгани билан аҳамиятга молик эканини амалда кўрсатган. Антон Чехов ҳикояларининг бирда кимёгар профессор ўзининг тартиб-интизомли, аник фанларда ўзлаштириши аъло шоғирдидан норозилигини ифодалар экан, "Ўз соҳасига доир ҳамма нарсани билади, аммо ҳеч қачон порохни кашф эта олмайди", дея унинг ҳаёлотдан мосуволигини танқид қилади. Порохни кашф эта олиш тасаввурини баайни Искандарнинг ойнаси каби бадий тафаккур, яъни адабиёт бера олади. Шу ўринда академик Конраднинг "Алишер Навоий ва Ренессанс" мақола-сини эслаш жоиз. У Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асарини оломларнинг "Тристан ва Изольда", йигирманчи аср рус адабиётда фантазмагорию йўналишида яратилган Михаил Булгаков қаламига мансуб "Уста ва Маргарита" романи билан қиёслайди ва буюк бобомизни "барча халқларнинг шоири", дея эътироф этган ҳолда, Шарқ Ренессанси ҳосил бўлишида Ғарбга эҳтиёж сезмаганини кистириб ўтади. Сизнинг саволингиздаги мулоҳазаларингиз шу маънода жуда ўричли ва таҳлилгаги вазиятларда ўзининг адабиётига суяниши, ўз тилидан маънавий-руҳий озуқа олишга интилиши халққа куч-қудрат беради. Бу адабиётнинг миллат маънавияти, маданиятини юксалтиришдаги олимпиа-қо ўрнини белгилаб олишда жуда муҳим жиҳат. Шу тўғрйли халқ ҳар қандай чигал сўқмоқларда адашмай, ўз йўлини топиб олиш имконига эга бўлади.

— Бир пайтлар "Тонг юлдузи" (ўша пайтда "Ленин учқуни") газетасида самарали фаолият юритганингиздан бохабармиз. Ўша давларда тахририят фаол ёш китобхон, ижодкор ўқувчилардан ҳар кун юзлаб мактуб олар эди. Уларнинг газетга, китобга, ижодга бўлган муносабати ҳам бошқача эди. Афсуски, бугун вазият ундай эмас. Бугун мактаб ўқувчиларининг юртимиздаги бошқар нашла-рига, китобларга ва адабиётга бўлган меҳрини ошириш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз? Нега кейинги пайтларда болалар учун мақола ва ҳикоялар ёзмай қўйдингиз?

— Албатта, ўша пайтларда болалар газетасида ишлашнинг масъулияти жуда катта эди. Негаки, газета бир миллиондан ортқ нусхада чоп этилар, республикамиздан ташқари, Қозғос-тон, Тожикистон, Туркманистон, Тожикистондаги ўзбек тилидаги мактабларга ҳам етиб борарди. Обуна мавсумида болаларнинг ажойиб шоири, газетанинг адабиёт бўлими мудири Ҳамза Имон-бердиев билан Қозғосистоннинг Сузоқ, Туркистон, Қентон, Сайрам, Тожикистоннинг Нов, Уратепа, Шахристон, Қирғизистоннинг Ўш, Туркманистоннинг Чоржўй ҳудудларидаги ўзбек мактаблари-га бориб, учрашулар ўтказганимиз эдида бор. Ҳозир аник ишонч билан айта оламанки, болалигида ўша газетани мутлоа қилиб улғайганларнинг саводи, маданияти, ҳаётга қарашли газетадан бебаҳарларникига қараганда жуда юқори. Шу сабабли, наинки, болалар, газета-журналларсиз ҳаётини ўтказиб юбораётган катталарга ҳам раҳмим келади. Ўзимга келсак, қаерга бормай,

аввало, газета-журнал дўконини кўргим келади ва тополмасан афсусланаман.

Бугун таълим-тарбия масалаларига Президентимиз томонидан жуда катта эътибор берилмоқда, бу соҳа давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида. Шундай экан, мактаб ўқувчиларининг адабиётга, китобга, газета-журналларга меҳрини ошириш кераклигини мута-садди ташкилотлар буюртма сифатида қабул қилишлари лозим. Ўзбеклар болажон халқ, деган таъриф кўп айтил-лади, аммо давлат қарамогига олинган бирорта болалар наشريётига эга эмас-миз. "Юлдузча" наشريёти ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шу мақсадда очилганди, аммо кейин-кейин унинг номи ҳам, йўналиши ҳам ўзгариб кетди. Бугунги кунда бу наشريётни қайта ташкил этиш эҳтиёжи жуда-жуда сезилиб турибди. Эҳтимол, шундан сўнг бармоқ билан санарли болалар ижодкорларининг сафи яна кенгаер. Тўғри, тан олиб айтиш керак, бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бу борада самарали ишлар олиб борилмоқда, болалар адабиёти бўлими фаол, болалар ижодкорларини ҳам бошқалар қатори уюшмага қабул қилиш, уларни уй-жой билан таъминлаш, бошини силлаш ҳар қачонгидан ҳам қўра яхши йўлга қўйилган. Аммо назаримда, алоҳида наشريёт болалар учун адабиёт антологиялари, комуслар, сайланмалар, кўп жилдликлар нашр этиш имконига эга бўлади, мактаблар кутубхоналарининг бўш пештахталари яна тўлиб, таълим-тарбия соҳасида ўз натижасини кўрсатади.

Болалар шоири Анвар Обиджон "Болаларбон ёзиш учун офтобшувок-да улар билан ёнма-ён ўтириб, қатиқ ялашмоқ керак", дегани ҳам ҳазилдан ташқаридаги гап. Қанийди, бунга фурсат топилса? Масъулият масаласига келсак, чех педагогининг "Болаларнинг маънавий даражасига тушиш эмас, уларнинг савиясига қўтарилиш лозим", деган сўзлари ҳеч қачон ёдимдан чиқ-майди. Кейин, қолаверса, ўзбек мумтоз адабиётда одоб-ахлоққа, таълим-тарбияга оид асарлар шу қадар қўпки, улар устини чанг босган ҳазина каби ишлан-май ёки ишламай ётибди. Мисол учун, биргина Заҳриддин Муҳаммад Бобур-нинг "Бобурнома" асари. Уни ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Фахрланиш бошқа, амалга ошириш бошқа. Бу асар-нинг, энг аввало, болаларга мўлжал-ланган вариантини ишлаб чиқиш керак. Этикетлар ҳақида алоҳида рисола бор унинг ичида. Жўрғофия, минерология ва бошқа соҳаларга доир қанчадан-қанча болаларбон жажжи-жажжи китобчалар чиқарса бўлади ундан. Масалан, форс-лар Шайх Саъдийнинг "Гулистон" асарининг болаларбон вариантини хилма-хил суратлар билан қизқирати қилиб, шу қадар кўп чиқарадики, жажжи ўқув-чилар улғайиб боргани сайин ўз улғу шоирига муҳаббати ошиб, унинг минг-лаб мисраларини ёд олади. Ҳар гапида ундан иктибос келтиради. Мен ҳали на Навоийдан, на Лутфий ёки Бобурдан иктибос келтириб гапирган на умаро-ни, на раиятини кўрдим. Бу ачинарли. Адабиётнинг қудрати шундаки, у сиздан минг йил нарида турган бўлсаям, ярим тунда қандайдир ишора билан ўрингиздан туриб кетишга мажбур қила олади. Ҳақиқий ижодкорларни юлдузларга қиёслаш мумкин — кундуз кунлари улар кўпам кўзга ташланавермайди.

— Абдулла Қаҳҳорнинг "Маҳорат ҳар бир сўз устида узоқ, тер тўқиб ишлашда эмас, айнан ўша сўзини топа билишдадир", деган сўзлари бор. Ижодкор ҳаминша сўз ишқи ва изланишлар машаққати билан ўзини бахтли сезади. Шу кунгача олиб борган ижодий фаолиятингиздаги кўнглингизни тўлдирган ва тўлдирмаган жиҳатлар ҳақида нима дея olasиз? Сиз ўзингиз излаган СўЗни, моҳиятини топа олдингизми?

— Абдулла Қаҳҳорнинг бу адабий ҳикматиени мен бироз тахрир қилиб "Маҳорат ҳар бир сўз устида узоқ, тер тўқиб ишлашда эмас, айнан ўша сўз орқали ҳақиқатни ифода этишдадир", деган булар эдим. Нега? Ҳақ сўз ёниқ бўлади. Эҳтимол, у дағалдир. Аммо ёниб турган

сўзгина қалбларни алангалата олади. Ижодкорнинг сўз ишқи бу ҳақиқат ишқи-дир.

Шу ўринда ҳазрати Ҳаким Санойининг ушбу икки байтини эсламоқ жоиз: *Сени диндан айирган сўз айирди, Ул куфр бўлди-ю тақво не бўлди? Сени дўстдан айирган нақш айирди, Ул хунук бўлди-ю зебо не бўлди?* "Ижодий фаолиятингиздаги кўнглингизни тўлдирган ва тўлдирмаган жиҳатлар ҳақида нима дея olasиз", деган саволингиз эса унинг:

Ҳақон осмонига амр айлағай жон ичра самолар,

Яна руҳ йўлида маскун баянд тоғлар ва дарёлар,

деган мисраларини ёдимга солди. Ижодкор сўзини эмас, ўзини излайди. Шу асно унинг яқинлашиб бораётган санъилларидан илганган сас-сабарлар сўзга айланади. Ифода ҳам шундай. Нафақат ижодкор, балки ҳар бир инсон оразси тоза Руҳ манзилига ёвуқлашиб бормоқдир.

— "Шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий" деб номланган тарихий ҳикоянгиз кўнлаб китобхоналар даврасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган. Янги тарихимиз саҳифаларини яратишда ижодкорларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлиши керак. Бу борада қандай изланишлар олиб бормоқдасиз?

— Бу ҳикояда долғали тарихимизнинг кичкинагина, кўзга илганмас бир лавҳаси экан этган бўлса-да, қўпчиликка манзур бўлган ва қўллаб ҳоржиқ тилларга ҳам таржима қилинган. Туркиянинг нуфузли журналида, ҳикоялар тўпламларида чоп этилгани, яқинда рус тилида Россия ва Украинада эълон қилингани, Тожикистон журналларида чоп этилиб, адабий давраларда қизгин муҳокама этилгани ҳам ундан кўнглимни тўлдирди. "Қўн-лимни тўлдирди" дейётганим сабаби шунки, асар ҳам фарзанддек гап, отадан кейин қолб яшайи керак, отадан олдин бу ҳаётни тарқ этса, юракни тилка-пора қилади. Янги тарихимиз саҳифаларини яратишда ижодкорларнинг ҳам салмоқ-ли ҳиссаси бўлиши кераклиги ҳақида-ги мулоҳазанигиз мутлақо ҳақ. Тарихий тарихий воқеаликни буюртмачиси томонидан қўйилган талабдан келиб чиқиб, сохталаштириши мумкин ва бу кузатиб қилинган ҳодиса. Аммо адабиёт ўртага қўйган ҳаққоният ҳар қандай замонда ўз асиллигини йўқотмайди. Дунё адабиётида бунга мисоллар кўп. Миллий адабиётимизда эса Абдулла Қодирй, Абдулла Қаҳҳор сингари ёзувчиларнинг реалистик асарларида йигирманчи аср бошидаги, ҳонлиқлар таназзули даври-даги тарихий ҳақиқатлар матн остида жуда катта маҳорат билан яширингани, баъзан ошқора ифодалангани ҳақиқий тарихий саҳифалардир. Бундай ҳо-дисалардан тарихимизнинг муқтаклики даври ҳам истисно эмас. Шунинг учун бугун ижод ахлига ҳаққоният ҳар қачон-гидан ҳам қўра кўпроқ зарур. У жамиятни илгарилатувчи локомотив сингари куч сифатида намоён бўлади. Тарих бугунги кун учун хизмат қилади. Сабқоқ чиқариш-га ундайди. Ҳатоларни тақрорлашаслик кераклигини эслатади. Шу жараёнга мен ҳам улғуш қўшишга уринаман. Тарихий мавзуда ҳам бир туркум ҳикоялар, кат-тароқ асар ёзиш тайёргарлигини кўриб қўйганман. Уларни қозғога тушириш қол-ди, ҳосол! Аммо ҳозирча шарт-шариоит тақозоси... улар ўз ечимини топса, яна энг шимариб, ишга киришаман!

— Газетхонларимизга тилларнингиз?

— Уларнинг "Янги Ўзбекистон" солно-маси яратувчилари", деб атайман. Бу йўлда кураш, завқ, шижоат, фидойилик нечоғлиқ зарурилигини ҳамнафасликда тақдорлайман. Энг муҳими, онгнимизнинг ўзгариб бориши ҳаётимизни янгилайди. Улғуларимиз маънавий дунёсидан онг-тафаккуримизни озиклантириб, янгила-ниб яшамок ҳар биримизга насиб этсин!

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.